
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ – ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Дусимбетова Н.

Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети

Резюме

Мақалада глобалласуў шараятында жаслардың медиа компотентлигин қәлиплестириў мәселеси қарап шығылған, сондай ақ жасларды ғалаба хабар куралларының қәуипли, манипульятив тәсиринен қорғаў ең актуал мәселе екенлиги тийкарланады.

Резюме

Мақолада глобллашув шароитида ёшларнинг медиакомпотентлигини шакллантириш масаласи кўриб чиқилган, шунингдек ёшларни оммавий ахборот воситаларининг хавфли, манипульятив таъсиридан мухофаза қилиш энг долзарб масала эканлиги асосланган.

Резюме

В статье представлен анализ формирования медиакомпотентности молодёжи, которая обеспечивает её защиту от вредного манипулятивного воздействия средств массовой информации в условиях глобализации.

Summary

This articles deals wiyh the analyses of formation of media-competence of the youth, which assures its protection from harmful manipulative influence of mass-media under global conditions.

Таяныш сөзлер: интернет, виртуал дүнья, информациялық-психологиялық қәуип, информациялық хужим

Таянч сўзлар: интернет, виртуал олам, ахборот-психологик хавф, ахборот хуружи

Ключевые слова: интернет, виртуальный мир, информационная безопасность.

Key words: internet, virtual education, media education, virtual society, information security.

Интернетнинг пайдо бўлиши ва уни оммавий ахборот воситалари қаторида оммавийлашиши натижасида ахборот алмашинувида катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Ахборот маконинг тез ривожланиши туфайли ижтимоий тармоқда инсон учун фойдали маълумотлар билан бир қаторда маънавий ва психологик томондан жиддий хавф соладиган ахборотлар сони ҳам ортиб бормоқда. Аксарият одамлар ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоялаш деганда, кўпинча уларга турли ахборотлар, ҳар хил сайтлар, фильмлар, газета ва журналларни таъқиқлаш керак деб ўйлашади. Бироқ, бу уларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини топтайди. Халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий

қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига қарши ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам қилишга қаратилган мафкуравий хатарлар, маънавий таҳдидларга қарши туришимиз, уларга қарши бирдамликда курашишни тақоза этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2014 йил 26-27 июнь кунлари Фарғона шаҳрига ташрифи чоғида “Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”, – деб таъкидлагани бежизга эмас.

Дунё микёсида ҳам мазкур муаммо ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Шу боис 2006 йил 8 сентябрда БМТ Бош ассамблеяси Глобал аксилтеррор стратегиясини қабул қилди. Унга кўра биотерроризм ҳамда интернетдан терроризм мақсадида фойдаланишнинг олдини олиш чоралари кучайтирилди.

2007 йил ноябр ойида АҚШ Давлат департаменти “Ташқи рақамли алоқалар гуруҳи” номли махсус ахборот Дастури жорий қилинди. Дастурнинг асосий мақсади араб, форс, урду ва бошқа тиллардаги интернет сайтлар, чат ва блогларда АҚШ сиёсати ҳақидаги дезинформация (нотўғри сохта ахборот)га қарши ахборот кураши кучайтирилди. Дастурга кўра, Департамент ходимлари интернет орқали расман мулоқотга кириши ва мавжуд саволларга жавоб бериши, ҳужжат асосида аниқ маълумот келтириши кўзда тутилган.

Жумладан, Хитой мамлакатида махсус “Ватанпарвар хакер”лар деб номланган интернет хавфсизлигини таъминловчи ташкилот мавжуд. Ташкилотда 20 мингдан ортиқ компьютер мутахассислар фаолият юритади. “Ватанпарвар хакер”лар мамлакатга хавф солувчи “номаъқул” ахборот хуружларнинг олдини олишмоқда.

“Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта”[1,273]. Аммо, бугунги кунда мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган айрим масалалар юзага келаётгани, тинч ва осуда ҳаётимизни издан чиқаришга юналтирилган ҳаракатлар замирида бузғунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб-чирмаб олаётгани ҳаммамизни бирдек хавотирга солмоқда.

Юртимизда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича Датамарказда жойлашган мижоз веб-сайтларини ҳамда UZIFOCOM Марказ томонидан интернет истеъмолчиларининг химояланганлик даражаси оширилиб, зарарли компьютер ходисаларига тезкор чора кўриш, уларнинг оқибатлари ва сабабларини бартараф қилиш мақсадида UZIFOCOM Марказида CERT (UZIFOCOM Марказининг компьютер ходисаларига чора кўриш хизмати) техник хавфсизлик бўлими хизмат кўрсатмоқда. “Ахборот олиш имкони ва ахборотлашув жараёнлари ривожланишини тартибга солишнинг

мустаҳкам ҳуқуқий базасини шакллантириш шахс, жамият, давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилidir...”[2,44].

Хавфсизлик борасида мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида халқаро хавфсизлик тизимига қўшилди. Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратиб, кибертахдидларга қарши кураш бўйича давлат органларининг ҳаракатлари белгилаб олинди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий тармоқдаги ахборот-психологик хавфни олдини олади.

Ҳозирги кунда ёшларни онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган бир пайтда, турли қарашларнинг ҳукмронлик қилиши табиий ҳолдир. Масалан, ғоя ижобий моҳиятга эга бўлганда улкан бунёдкорликни намойиш этса, бузғунчилик даҳшатли вайронкорлик қудратига эга бўлади. Бузғунчи ғоялар масалан, ҳозирги глобаллашув шароитида дин ниқоби остида фаолият кўрсатаётган экстремистик ҳаракатлар томонидан тарғиб қилиниб, ёшларимиз онги ва қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай разил йўллардан фойдаланишни олдини олиш муҳимдир. Дунёда содир бўлаётган воқеаларга назар ташлайдиган бўлсак, бир неча давлатларда бўлаётган урушлар ўз-ўзидан бошланмаганига гувоҳ бўламиз. Ахборот-психологик хуружларнинг ўрганганимизда урушларнинг янги даври бошланиб, унда саёрамизнинг турли бурчакларида геосиёсий манфаатлар тўқнаш келган маконларда инфор­мацион урушлар сони авж олиб бораётгани ва ушбу давлатлар худудида вайронкорлик ғоялари секинлик билан кўп йиллар давомида тарқатилиб, ёш авлод онгини захарлаб, чирмаб олиниши туфайли содир бўлганини англаш қийин эмас. Геосиёсий манфаатлар тўқнаш келган маконларда гегемон давлатлар томонидан алдов йўли билан инфор­мацион урушлар ташкиллаштирилиши натижасида минглаб инсонлар тақдири янгли яқун топиши, шаҳарларнинг вайрон бўлиши юз бермоқда. Вайрон бўлган шаҳарларни қайтадан бунёд қилиб бўлар, аммо инсонлар онгидаги жароҳатларни тузатиш, тафаккурида бунёдкорлик ғоясини тиклаш учун жуда кўп йиллар талаб этилади. Шу боис ҳам урушлар гирдобидида қолган ёш авлодни “йўқотилган авлод” деб аташмоқда. “... чет давлатларда сиёсий вазият шундай қалтис бўлиб турган бир пайтда, болаларимизни йўлдан уриб, хорижий мамлакатларга олиб чиқиш учун ҳаракатлар бўлиши – биз учун жуда катта хавф. Бундай маккор ишларнинг ҳам ташкилотчилари бор. Уларнинг турли алдовлар, ёлғон ваъдалар билан болаларимизни чалғитишларига ҳеч қачон йўл қўймаслигимиз керак” [1,251]. Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётига энг катта зиён етказадиган нарса бу – сохта ва ёлғон инфор­мация. Бу – одамларни йўлдан уришнинг энг хавфли усули. Айниқса, ёшларни чалғитиш, керак бўлса, оёғини ердан узиб, турли чўпчак ва афсона гапларни уларнинг онгига қуйишда бу усул кенг қўлланмоқда”. Ёшларимизни аввало ўзи таълим олаётган замонавий лицей ва коллежларда аъло баҳоларга ўқишлари, чуқур билим олишлари, камида уч касбни пухта эгаллашлари, ҳаётга ҳар тамонлама тайёр бўлиб, юксак чўққиларни кўзлаб, маррани юқори белгилаб яшашларида, жумладан, илм-фан, касб-ҳунар, спорт ва санъатга қизиқишларида Ватанга меҳр ва садоқатларида

намоён бўлишини уқтирмақ ва қизиқтиришимиз лозим. Ахборот асрида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиб, уларга миллийлигимизни сақлаб қолишимиз, мустақил давлат бўлиб дунёга танилаётганимиз сабабли айрим давлатлар глобал тармоқ орқали ахборот хуружини уюштиришга ҳаракат қилишини тушунтиришимиз керак.

Ахборот технологияларини ривожланишида ахборотнинг тез тарқалиши асосий омил бўлмоқда. Яъни ахборот оқими тобора тезлашиб, ер шари аҳолиси кайфиятига, руҳияти, мақсад ва интилишлари, қолаверса, инсониятни бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган бир даврда яшамоқдамиз. Виртуал оламда мафкуравий таъсир ўтказиш ниҳоятда кучли қуролга айланиб бораётгани барчамизга аён. Ундаги турли хил ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий кучлар гегемон давлатларнинг манфаатларига хизмат қилаётгани ва ёшларнинг онгини эгаллашда интернетнинг роли катта эканини тушунтиришимиз керак. Жумладан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “... дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади” [4,11] – деб бежизга таъкидланмаганига яна бир бора ишонч ҳосил қиламиз.

Бугунги давр Ватанимизга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай таҳдиддан огоҳ бўлиб, уларни олдини олиш йўлида қарши қатъий курашиб, яшашликни тақозо этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов томонидан “Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чоратадбирларни кўришимиз керак”, – деб айтган ушбу сўзлари бугунги кунда глобаллашув шароитида ахборот-психологик хавфсизлик масаласида нақадар долзарб эканлигидан яна бир бор далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.; Ўзбекистон, 2015.
2. Мўминов Ф., Баратов Ш. ва бошқ. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. –Т.: ЖИДУ. 2013.
3. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.; Маънавият. 2008 й.